

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Тошкент архитектура-қурилиш
институти ректори
Эржан Қаҳя _____
“ _____ ” _____ 2021 й.

08.00.03 – “Саноат иқтисодиёти”
иختисослиги бўйича (PhD) таянч докторантурага
кириш имтиҳонлари
ДАСТУРИ

Тошкент – 2021

Дастур Тошкент архитектура-қурилиш институти Кенгашида кўриб чиқилган ва 2021 йил 28 октябрдаги 1–сонли мажлис баёни билан маъқулланган.

Дастурни тузувчилар:

и.ф.д., проф. Зияев М.К.

и.ф.д., проф. Джабриев А.Н.

и.ф.н., доц. Турдиев А.С.

Ушбу дастур “Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш” кафедрасининг 2021 йил 12 октябрдаги 4-сон мажлисида кўриб чиқилган.

“Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш”
кафедраси мудири

Турдиев А.С.

КИРИШ

Истиқлол йилларида иқтисодийтимиз ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида мамлакатимиз иқтисодийтида барқарор юқори ўсиш суръатларига эришилмоқда. Бунда қурилиш соҳасини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар, йирик лойиҳа ҳамда дастурларнинг амалиётга татбиқ этилаётгани муҳим аҳамият касб этаётир.

Иқтисодий таркибида қурилишнинг ривожланиши динамикасидаги муҳим ўзгариш сифатида корхоналар ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгиланиш асосида қурилишда чуқур таркибий ўзгаришлар ва диверсификациянинг амалга оширилгани ҳисобланади.

Қурилиш тармоғида олиб борилаётган сиёсатнинг асосий устуворлиги институционал ислохотларнинг сифатини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб бериш, қурилиш ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диверсификациялаш, иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, ўрта ва узоқ муддатда қурилиш соҳасини ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилди.

Давлат раҳбари томонидан Ҳаракатлар стратегиясида юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали қурилиш корхона ва ташкилотларини янада модернизациялаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш зарурати алоҳида таъкидланди¹.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» да амалга оширишга оид давлат дастурида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш йўналишида корхоналарнинг маблағлари, ЎзТТЖ, тижорат банклари кредити, хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига 2019 йилги Инвестиция дастурига 16,6 миллиард долларлик 3 мингдан зиёд лойиҳа киритилган. Бу 2018 йилдагига нисбатан 16 фоиз кўпдир. Жумладан, жорий йилги Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 3,2 миллиард доллар бўлган 140 та ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топшириш режалаштирилган².

Дунё мамлакатлари иқтисодий ривожланишнинг қайси моделини танламасин мамлакат иқтисодийнинг жаҳон хўжалигидаги мавқеи ва ўрни унинг рақобатбардошлик даражаси билан белгиланади. Бу ўринда қурилиш тармоғини ривожлантириш муаммоларини илмий асосда ҳал эта оладиган илмий педагогик кадрларнинг ўрни ва иштироки муҳимдир.

Мамлакатимизда илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га асосланиб, мутахассисларнинг касбий маҳоратини кўтариш ва малакали иқтисодчи кадрларни халқаро андозалар даражасида тайёрлашни тақозо этади. Айниқса, ҳозирги глобаллашув ва интеграция жараёнлари тезкорлик билан бораётган шароитда қурилишни ривожлантириш соҳасидаги халқаро андозаларни мамлакатимиз таълим тизимида қўллаш бўйича ишларни олиб бориш ҳозирги куннинг долзарб масаласи бўлиб ҳисобланади.

Дастурда қўйилган мавзу ва масалалар “Саноат иқтисодий” ихтисослиги бўйича талабгорларнинг фақатгина шу соҳадаги умумий билим даражасини аниқлаш билан чекланмасдан, балки шу соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топиш бўйича билимга эга эканлигини намойиш эта олишини талаб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли [Фармони](#). // Халқ сўзи. 8 феврал 2017 йил.

² Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича асосий вазифалар белгиланди. 08.01.2019 й. <https://president.uz/uz/lists/view/2233>

Қурилиш - миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоғи

Қурилиш ва унинг миллий иқтисодиёт ривожигадаги роли ва ўрни. Қурилиш-моддий ишлаб чиқаришнинг йирик етакчи тармоғи сифатида. Қурилиш тармоғи барча тармоқлар учун моддий бойлик яратиб берувчи соҳа. Қурилиш ва аҳолининг иш билан бандлиги масаласи. Мустақиллик йилларида қурилиш тармоғининг ривожланиш йўллари ва асосий яқунлари. Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғининг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг динамикаси. Қурилиш тармоқларининг ўсиши тенденцияси-қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатининг маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси.

Қурилиш тармоқ тузилмаси ва таркибий силжишлар

Тузилма сиёсати, унинг моҳияти ва аҳамияти. Ижтимоий меҳнат тақсимоли ва қурилиш тармоғининг шаклланиши. Қурилиш тармоғи тузилмаси ва уни белгиловчи омиллар. Қурилишнинг тармоқларга бўлиниши ва тармоқ тузилиши. Қурилиш тармоқ тузилишининг кўрсаткичлари. Қурилиш тармоқ тузилмасининг прогрессивлик мезони. Қурилиш тармоқ тузилишини белгиловчи омиллар. Тармоқ тузилмаси ўзгаришининг асосий тенденцияси. Қурилишнинг замонавий тармоқ тузилмаси ва уни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Таркибий ўзгаришларни амалга ошириш борасидаги яқин ва узоқ истиқболдаги устувор вазифалар.

2017-2021 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастурининг мақсади ва вазифалари.

Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш

Миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида қурилиш, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш; ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш; юқори технологиялар асосида маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали қурилишни янада модернизация ва диверсификация қилиш; иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш; принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш; ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, замонавий қурилиш материаллари импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро қурилиш кооперациясини кенгайтириш;

иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш;

фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш; хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш; экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш; йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш

Хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, «Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади» деган тамойилни амалга ошириш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш; давлат мулкни хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш; инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш; корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш; тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоқларига уланиши бўйича тартиб-таомил ва механизмларни такомиллаштириш ва соддалаштириш; мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш.

Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-ҳомашё, қурилиш, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш; ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш қўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, қурилиш, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш; янги қурилиш корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш; саноат, қурилиш ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш; қурилиш корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш.

Қурилишда замонавий бошқарув тизими

Бошқарув объектив зарурият ва мақсадга йўналтирилган жараён сифатида. Қурилишни ва умумий иқтисодни илмий асосда бошқаришни уюштириш. Қурилишни илмий бошқаришнинг муҳим муаммолари. Бошқарувнинг моҳияти, аҳамияти ва вазифалари. Бошқарувнинг асосий тамойиллари ва усуллари. Бозор талабларига мослаштирилган прогнозларни ишлаб чиқиш. Қурилишда барқарорлик тамойили. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш. Бошқаришнинг илмийлилик, тежамкорлик, кадрларни

танлаш ва жой-жойига қўйиш тамойиллари. Қурилиш бошқарувининг иқтисодий, ижтимоий, рухий ва ҳуқуқий усуллари. Бошқарувнинг замонавий тузилиши. Бошқаришни такомиллаштиришнинг замонавий асосий йўналишлари.

Қурилиш ишлаб чиқаришини башоратлаш ва режалаштириш

Прогнозлаш: моҳияти, аҳамияти, мазмуни. 2017-2021 йилларга мўлжалланган қурилишни ривожлантириш бўйича башоратлар ва уларга эришишнинг асосий йўллари. Бозор иқтисодиёти шароитида режалаштиришнинг моҳияти ва аҳамияти, вазифалари ва тамойиллари. Тармоқ ва корхона даражасида қурилиш ишлаб чиқаришини режалаштиришнинг хусусиятлари ва услубий асослари. Қурилиш тармоқларининг жорий ва истиқболли фаолиятини режалаштиришда шартнома муносабатларининг аҳамияти ва ўрни. Режалаштиришнинг тамойиллари ва усуллари. Бозор иқтисодиёти шароитида режалар тизими. Режа - биринчи ҳужжат ва режалаштиришнинг натижаси сифатида. Режаларнинг турлари: индекатив, стратегик, бизнес-режа. Ишлаб чиқариш режасини тузиб чиқиш ва тасдиқлашни ташкил этиш. Режалаштиришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.

Ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этиш

Қурилишда ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этишнинг шакллари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Концентрациялаштириш, унинг шакллари ва кўрсаткичлари. Бозор иқтисодиётига ўтишда кичик ва хусусий корхоналарнинг устуворлиги. Маҳаллийлаштириш, унинг моҳияти, аҳамияти ва мазмуни. Маҳаллийлаштирилган ишлаб чиқариш кувватларини яратиш – инқирозга қарши чоралар дастурининг энг кўплаб масалаларидан бири эканлиги.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, унинг шакллари ва кўрсаткичлари. Кооперативлаштириш тушунчаси, унинг шакллари ва даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар. Қурилиш корхона (фирма)лари ўртасидаги ишлаб чиқариш иқтисодий алоқаларининг турлари ва уларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Диверсификациялаш. Унинг моҳияти, аҳамияти ва мазмуни. Иқтисодиётни, жумладан, қурилишни диверсификация қилишнинг энг муҳим устувор йўналиши.

Қурилиш ишлаб чиқаришида баҳо ва баҳолаш

Давлатнинг баҳо сиёсати ва уни амалга ошириш зарурияти. Баҳо – бозор муносабатларининг иқтисодий категорияси сифатида. Баҳо ва баҳолашнинг моҳияти, аҳамияти ва зарурияти. Баҳонинг функциялари, турлари ва тузилмаси. Унинг бошқа иқтисодий категориялар билан боғлиқлиги. Баҳолашни яхшилашнинг асосий йўналишлари. Товар сотишни кўпайтириш. Максимал фойда олиш. Корхоналарнинг муайян мавқеини сақлаб қолиш.

Корхона - мустақил хўжалик фаолиятини юритувчи бозор субъекти

Миллий иқтисодиётни ривожланиши ва аҳоли бандлигини таъминлашда корхонанинг ўрни ва роли. Замонавий корхоналар таснифи. Корхоналарнинг бирлашмалари. Корхоналарнинг мустиқиллиги ва масъулияти. Бозор муносабатлари шароитида давлат ва корхоналар ўртасидаги муносабат. Корхоналарнинг эркинлиги ва чекланишлар. Корхонанинг ички ва ташқи муҳити. Корхонанинг ишлаб чиқариш ва бозор муносабатлари (алоқалари). Рақобат шароитида корхоналарнинг ҳаракатлари (ўзини тутиши). Хўжалик юритишнинг замонавий бозор тизими томонидан корхона фаолиятига қўйиладиган талаблар. Корхонанинг жамият олдидидаги ижтимоий масъулияти.

Корхонани ташкил этиш ва фаолиятини тўхтатиш

Корхонани ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ва тамойиллари. Корхонани ташкил этиш тартиби ва босқичлари. Корхонани ташкил этиш учун зарурий таъсис ҳужжатлари. Ташкил этилаётган корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш. Корхона мулки ва реквизиитлари. Янгидан ташкил этилаётган корхона фаолиятининг бошланиши ва унинг асосий вазифалари.

Корхонани қайта ташкил этиш ва фаолиятини тўхтатиш. Корхонани қайта ташкил этиш ва тугатишнинг асосий тамойиллари. Тугатиш ҳайъати ва унинг вазифалари.

Корхонани бошқариш

Бошқарув корхона фаолиятидаги объектив зарурат. Бошқарувнинг объекти ва субъекти. Бошқарув муносабатлари. Бошқарувнинг ташкилий тузилмалари.

Бошқарувнинг мақсади, вазифалари ва тамойиллари. Бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларнинг масъулияти. Корпоратив бошқарувнинг ўзига хос жиҳатлари, унинг устунликлари ва камчиликлари. Бошқарувнинг асосий функциялари. Бошқарув ходимларининг касб маҳорати ва компетентлиги. Бошқарув тизимини ишлаб чиқаришнинг самарадорлигига эришиш ва корхонанинг иқтисодий барқарорлигига йўналтириш. Бошқарув қарорлари самардорлигини баҳолаш.

Корхона фаолиятини режалаштириш ва башорат қилиш

Бизнес-режалаштириш корхонани бошқаришдаги муҳим қурол сифатида. Режалаштиришни бозор механизмлари билан мос келиши. Режалаштиришнинг услубий асослари. Корхонада режалаштириш турлари. Режалар тизими - режалаштириш натижаларини ақс эттириш сифатида. Режавий қарорларни тайёрлаш даври: стратегик муаммоларни таҳлил қилиш, корхона фаолияти келгуси шароитларининг прогнози, ишлаб чиқариш топшириқларини ва уларни амалга ошириш йўллари (воситаларини) аниқлаш. Жорий режа - корхона фаолиятининг асосий ҳужжати сифатида. Корхона фаолиятида бизнес-режа. Бизнес-режани ишлаб чиқаришдаги асосий вазифалари ва унинг тартиби. Бизнес-режани корхонани ривожлантириш стратегияси билан боғлиқлиги. Бизнес-режанинг асосий бўлимлари ва кўрсаткичлари.

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги

Самарадорлик корхона фаолиятининг «ойнаси» сифатида. Бозор муносабатлари шароитда самарадорликнинг ўрни ва аҳамияти. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўналишида корхонанинг фаолияти. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг моҳияти, мезонлари ва кўрсаткичлари. Ишлаб чиқаришнинг умумий ва солиштирма иқтисодий самарадорлиги. Харажатларнинг қопланиш даври - инновацион ечимларни, харажатлар самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи сифатида. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари. 2018 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишлари.

Корхонанинг асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қуввати

Асосий фондларнинг моҳияти ва уларнинг корхона фаолиятидаги ўрни. Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий фондлари. Асосий фондлар тузилмасининг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири. Асосий фондларни баҳолаш, эскириши ва таъмирлаш. Асосий фондлар амортизацияси ва амортизация ажратмалари. Амортизация ажратмаларини ҳисоблаш усуллари. Асосий фондларни корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати билан алоқаси. Корхонанинг асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш кўрсаткичлари, уларни ҳисоблаш услуги. Корхона асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишни яхшилаш йўллари.

Корхонанинг айланма маблағлари

Айланма маблағлар тушунчаси, уларнинг таркиби ва тузилмаси. Корхона айланма маблағларининг асосий воситалардан фарқи. Бозор муносабатлари шароитида айланма маблағларни шакллантириш манбалари. Айланма маблағларни корхонанинг иқтисодий барқарорлигига таъсири. Айланма маблағларни меъёрлаштириш. Корхонанинг айланма маблағларга бўлган талабини ҳисоблаш. Корхонанинг қарзга олинган ва хусусий айланма

маблағлари. Корхонанинг ишлаб чиқариш заҳиралари. Заҳиралар турлари ва уларни ҳисоблаш услуги.

Заҳираларни бошқариш ва моддий ресурсларни тежаш. Корхонада айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги. Айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичларини ва уларни ҳисоблаш услуги. Корхонанинг айланма маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.

Корхонада ходимлар, меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлаш

Ходимлар ва уларнинг корхона фаолиятидаги ўрни. Замонавий шароитларда корхонанинг кадрлар сиёсати. Корхона ходимлари, уларнинг таркиби ва тузилмаси. Корхона ходимлари ҳаракати ва уни режалаштириш. Ишчилар – корхона ишлаб чиқариш персоналининг асосий қисми. Корхонада меҳнат унумдорлиги ва уни ошириш резервлари.

Корхонада меҳнатга ҳақ тўлаш. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимлари. Меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш. Кадрлар сиёсати ва меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этишда корхонанинг ваколатлари.

Ишлаб чиқариш харажатлари, фойда ва рентабеллик

Ишлаб чиқариш харажатлари, фойда ва рентабеллик тушунчалари. Маҳсулот баҳоси ва таннархи. Маҳсулот таннархини режалаштириш ва калкуляцияси. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг таснифи. Ишлаб чиқариш харажатларини аниқлашнинг хориж тажрибаси. Фойда корхона фаолиятининг якуний натижаси сифатида. Фойданинг ишлаб чиқариш рентабеллиги балан алоқаси. Корхонада рентабелликни аниқлаш услуги. Фойдани максималлаштириш. Баҳо ва харажатлар таркибини ўзгаришининг фойдага таъсирини таҳлил қилиш. Ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш йўллари.

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги ва тижорат сири

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг мақсади ва вазифалари. Корхона хавфсизлиги концепцияси. Корхонани иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари. Корхона хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш ва бошқариш. Хавфсизлик хизматининг функциялари ва унинг тузилмаси. Корхонанинг тижорат сири. Корхона тижорат сирини ҳимоя қилиш самарадорлигининг корхона иқтисодига таъсири. Рақобатчилар тўғрисида маълумот олиш услублари. Корхона тижорат сирини ҳимоя қилиш.

Корхонанинг бизнес-режаси

Бизнес-режанинг функциялари бўйича иқтисодчиларининг турли қарашлари. Бизнес-режанинг моҳияти ва вазифалари. Бизнес-режаларнинг аҳамияти ва зарурияти. Бизнес-режанинг бизнеснинг юраги, хўжалик бошқарувининг воситаси. Бизнес-режани тайёрлаш босқичлари. Бизнес-режанинг лойиҳа варианты. Бизнес-режани расмийлаштириш ва тасдиқлаш. Расмий ва ишчи бизнес-режа. Корхона миссияси. Корхона этикаси. Корхона танлаб олган қадриятлар йўналиши. Бизнес-режа мақсадларини ишлаб чиқиш. Мақсаднинг бизнес тизимидаги бешта функцияси. Мақсадларнинг мазмуни ва шаклига қўйиладиган талаблар. Бизнес-режанинг ахборотлар манбаи. Бизнес-режа тузилмасини танлаш.

Бизнес-режанинг асосланганлиги ва ишончлилиги

Бизнес-режани ишлаб чиқишни бошқаришнинг зарурати. Бизнес-режани тузишда раҳбарнинг роли. Бизнес-режани ишлаб чиқиш муддатлари. Бизнес-режани ресурслар билан таъминланганлиги. Корхона ходимларнинг малакаси ва касбий кўникмалар. Бизнесни суғурталаш. Бизнес-режа муваффақиятининг омиллари. Моддий ресурслар иқтисоди. Ресурс билан таъминлашда талаб қилинадиган билимлар. Ҳуқуқий таваккалчиликлар. Ишлаб чиқариш таваккалчиликлари. Маркетинг таваккалчиликлари. Молиявий, инновацион, ижтимоий таваккалчилик. Таваккалчилик оқибатларини объектив ўлчаниши ва қиймат баҳосига эга бўлишининг зарурати.

Бизнес-режанинг “Корхона тавсифи” бўлими

Бизнес-режа титул варағи. Бизнес-режанинг кириш қисми. Резюме. Корхонанинг тармоқдаги ва бозордаги ҳолати таҳлили. Тармоқни тавсифлаш. Тадбиркорлик фаолияти соҳасини танлашнинг асосий омиллари. Корхонани баҳолаш. Бозорни ва асосий рақобатчиларни таҳлил қилиш. Корхона тавсифномаси, SWOT- таҳлил. Корхона ва унинг рақобатчиларининг кучли ва заиф томонлари таҳлили.

Бизнес-режанинг “Корхона маҳсулотини тавсифлаш” бўлими

Маҳсулотнинг умумий тавсифи ва уни баҳолаш. Маҳсулотни баҳолаш усуллари. Маҳсулотнинг иқтисодий кўрсаткичлари. Товар қондирувчи эҳтиёжлар. Сифат кўрсаткичлари. Товарнинг ташқи безалиши. Экспорт кўрсаткичлари ва унинг имкониятлари. Маҳсулотни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Маҳсулот (товар)нинг ҳаётийлик даври кўрсаткичлари. Эҳтиёжларни қондириш воситаси. Бозорнинг асосий қонунлари. Бозорда рақобат ва рақобатбардошлик. Янги маҳсулотни тавсифлаш ва бошқа маҳсулотлар билан таққослаш. Патент ҳуқуқлари. Маҳсулотнинг кучли ва заиф томонлари.

Бизнес-режанинг “Маркетинг режаси” бўлими

Маркетинг режаси бўлимининг аҳамияти. Замонавий маркетингни ташкил қилиш ва уни комплекс ўрганиш. Маркетингнинг таҳлилий функцияси. Маркетингнинг бошқарув ва назорат функцияси. Маркетинг стратегияси. Товар сиёсати. Баҳо (нарх) сиёсати. Сотиш сиёсати. Коммуникатив (ахборот алмашинуви) сиёсати. Маркетинг бюджети. Оммавий маркетинг. Дифференциал маркетинг. Йўналтирилган маркетинг. Ассортимент сиёсати. Янги маҳсулотни яратиш. Маҳсулот сифати соҳасидаги корхона стратегияси. Дизайн стратегияси. Товарнинг бозор атрибутлари (белгилари). Сервис хизматини ташкил этиш стратегияси. Бозорни ва сотувни тадқиқ қилиш. Бозор сиғимини баҳолаш. Бозорни сегментлаш. Бозор ўзгаришлари ва ривожланиш тенденциялари таҳлили, хусусан, иқтисодий, фан-техника, демографик, экологик, қонунчилик ва бошқа омилларни таҳлил қилиш. Бозор тузилмасини ўрганиш. Сотув ҳажмини башорат қилиш. Корхонанинг баҳо стратегияси. Баҳонинг шакллантириш усулини танлаш. Корхонанинг баҳо тактикаси. Баҳони бозор суғуртаси (кафолати)ни таъминлаш. Фирма стили. Маркетинг коммуникациялари комплекси: реклама, сотувни рағбатлантириш, шахсан сотиш, жамоатчилик билан ишлаш, тўғридан-тўғри маркетинг, спонсоринг, маҳсулот-плейсмент, брэндинг.

Бизнес-режанинг “Ишлаб чиқариш режаси” бўлими

Ишлаб чиқариш режасининг мазмуни, мақсади ва вазифалари. Ишлаб чиқариш дастури. Ишлаб чиқариш технологияси. Ишлаб чиқариш кооперацияси. Ишлаб чиқариш жараёни назорати. Атроф муҳит муҳофазаси тизими. Харажатлар башорати. Ишлаб чиқариш режасининг кўрсаткичлар тизими. Ялпи маҳсулот, товар маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ҳажми. Ишлаб чиқариш режасини ишлаб чиқариш қувватлари билан таъминланиши. Ишлаб чиқариш режасининг ресурслар билан таъминланганлиги. Ресурслардан фойдаланишни баҳолаш. Ишлаб чиқаришда ресурсларга талабни аниқлашнинг норматив, статистик ва эмпирик усуллари. Киришдаги, чиқишдаги, ўртача йиллик ва лойиҳа қуввати. Моддий захираларни аниқлаш. Айланма маблағлар таркиби, айланиши ва кўрсаткичлари. Айланма маблағларга бўлган эҳтиёж.

Бизнес-режанинг “Ташкилий режа ва менежмент” бўлими

Ташкилий режанинг мазмуни, мақсади ва вазифалари. Корхонанинг кадрлар сиёсати. Ташкилий тузилма. Кадрлар салоҳияти. Кадрлар малакаси ва касбий кўникмаларининг даражаси. Ташкилий режанинг менежментга бўлган талаблари. Бошқарув командаси. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш. Персонални бошқариш. Бизнес-режанинг ишбилармонлик жадвали. Бошқарувни ташкил этиш. Ходимларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари. Бизнес-

режани амалга ошириш бўйича корхонадаги бўлимларнинг ўзаро ҳаракатини ташкил этиш ва тартибга солиш. Бошқаришни ташкил этиш.

Бизнес-режанинг “Корхонанинг молиявий режаси”

Молиявий режанинг аҳамияти, мазмуни ва асосий бўлимлари. Маҳсулот сотиш ҳажмини башоратлаш. Даромад ва харажатлар баланси. Актив ва пасивлар баланси. Молиявий режа сифатига таъсир этувчи омиллар. Молиявий режани ишлаб чиқиш муддати ва давомийлиги. Ишлаб чиқариш харажатлари, солиқ ва тўловлар. Корхона фаолиятининг молиявий натижалари. Корхонанинг молиявий барқарорлиги кўрсаткичлари. Корхонада фойдани шакллантириш ва тақсимлаш. Молиялаш стратегияси. Корхонани зарарсиз ишлаши. Корхона салоҳияти. Пул оқимларини ўзлаштириш.

Бизнес-режа самарадорлигини баҳолаш

Бўлимнинг аҳамияти ва асосий қисмлари. Вақт бўйича пул қийматини ҳисобга олиш. Пулнинг истеъмол ва реал қийматини ҳисоблаш. Самарадорликни баҳолаш кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш услублари. Инфляцияни баҳолаш. Дисконтлаш ставкаси. Дисконтлаш коэффициенти. Реал инвестициялар самарадорлигини баҳолаш тамойиллари. Соф келтирилган (дисконтланган) даромад. Даромадлилик индекси. Ички даромадлилик нормаси. Харажатларнинг қопланиш даври.

Ишлаб чиқариш жараёни ва уни ташкил этиш асослари

Ишлаб чиқариш жараёни тушунчаси ва мазмуни. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш тамойиллари. Ишлаб чиқариш жараёнининг кўринишлари. Корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари тавсифи: даражаси курсаткичлари ва иқтисодий самарадорлик. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш турларига таққослама тавсиф: амалий, серияли ва шахсий. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш усуллари. Оқим ишлаб чиқариш тушунчаси, моҳияти ва кўринишлари. Оқим линияларининг афзаллиги ва камчиликлари. Ишлаб чиқариш оқимини ташкил этишни мукамаллаш йўналишлари. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш шахсий ва партиявий усулларига тавсиф ва хусусияти. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш нормативлари. Ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги, тайёр маҳсулот ва меҳнат воситалари чиқариш ҳажми, тугалланмаган ишлаб чиқариш катталиги. Корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражасини оширишнинг асосий йўналишлари.

Корхона стратегиясини шакллантириш

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш стратегияси концепциясининг моҳияти. Мақсадларни шакллантириш тамойиллари. Ташқи муҳитни ҳисобга олиш ва уни баҳолаш усуллари, корхонанинг мақсадини аниқловчи омиллар. Рақобатчи фаолиятини таҳлил қилиш стратегияси. Атроф муҳитнинг ўзгариш суръатлари ва унинг корхонага таъсири. Мақсадлар дараҳти. Нархни шакллантириш мезонлари: аниқлик, қисқалик, ўлчовлилик, келишилганлик. Корхонани ривожлантиришнинг базавий стратегияси: ўсиш стратегияси (янги бозорга кириш, бозорнинг ривожланиши, географик экспансия ва фирмалараро ҳамкорлик, ташқи иқтисодий фаолият), барқарорлик стратегияси (иқтисод, стратегик силжиш), стратегияси (бошқариш тизимини қайта кўриш, молиявий қайта қуриш, маркетингни қайта қуриш). Мақсадни амалга ошириш кетма-кетлиги: қарор қабул қилиш; мақсадни баҳолаш; мақсаднинг қўйилиши, атрофни таҳлил қилиш, ресурс билан таъминлаш, қарорни амалга ошириш, амалга оширилган қарорни баҳолаш. Бошқариш зарурлиги, моҳияти ва объектив кераклиги. Бошқариш функциялари: режалаштириш, ташкил этиш, раҳбарлик, координация, назорат. Бошқариш тамойиллари. Бошқариш усули. Корхона фаолиятининг самарадорлигини оширишида ташкилий тузилма ва мазмуни. Тузилмалар тури: тўғри функционал, штабли. Вакиллик моҳияти. Корхона мақсад ва вазифаларига эришишида ходимлар мотивациясини бошқариш. Корхона рақобатбардошлигини тавсифловчи кўрсаткичлар.

Корхоналарнинг банкротлиги, келиб чиқиши ва босқичлари

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг реал сектори корхоналарини молиявий куллаб-қуватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантиришга қаратилган чора тадбирлар. Корхоналарда инқирознинг келиб чиқиши, унинг турлари ва босқичлари. Корхона банкротлиги: унинг мақсади, турлари ва босқичлари.

Корхона тўловга қобилияти моҳияти ва кўрсаткичлари.

Корхонанинг тўловга қобилияти моҳияти ва асослари. Корхона мажбуриятлари, унинг турлари. Корхонанинг молиявий барқарорлигини баҳолаш. Корхона иқтисодий самарадорлигини баҳолаш. Корхонанинг тўловга қобилиятсизлиги асосий сабаблари. Ўзбекистонда корхоналар тўловга қобилиятсизлигини сабабларини келиб чиқишининг ўзига хос хусусиятлари.

Корхонанинг инқирозга қарши молиявий бошқарувининг тамойиллари. Молиявий ҳисоботлар - корхона молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг ахборот базаси сифатида. Молиявий ҳисобот кўрсаткични ўзаро боғлиқлигини таъминлаш.

Тўловга қобилиятсиз корхоналарни молиявий соғломлаштириш

Корхона молиявий ҳолатини заифлашуви сабаблари. Корхонани тўловга қобилиятсизлик сабаблари. Корхонани молиявий соғломлаштириш босқичлари ва чора-тадбирлари. Корхона фаолиятини молиявий соғломлаштириш мақсадида бошқарувнинг оптимал вариантлари. Корхоналарни молиявий соғломлаштириш учун инқирозга қарши дастурлар.

Корхонани ҳаётийлик фаолиятини таъминлашда маркетинг

Маркетинг тизими. Маркетинг стратегияси ва концепцияси. Корхона ҳаётийлик фаолияти ва ҳаётийлик фаолиятини таъминлашда маркетинг тизимидан фойдаланиш. Маркетинг самарадорлиги ва уни ошириш йўллари.

Инқирозга қарши бошқаришда инсон омили

Корхона ва унинг меҳнат жамоаси. Корхонада ижтимоий – меҳнат муносабатлари. Корхонада ижтимоий муҳит, ижтимоий муҳитни яхшилаш омиллари. Корхонада мулкка муносабат. Корхона даромадини тақсимлашда меҳнат қилувчи субъектларни қатнашуви. Ижтимоий ҳамкорлик. Ижтимоий–меҳнат муносабатларини тартибга солиш.

Корхона рақобатбардошлиги ва маҳсулот сифати

Рақобатбардошлик тушунчаси. Корхона рақобатбардошлигини таъминловчи омиллар. Корхона рақобатбардошлигининг устун томонлари: ходимлар, товарлар ва хизматлар, ташкилий тузулма, тармоқ, минтақа, давлат. Маҳсулот сифати корхона рақобатбардошлигини таъминловчи асосий омил. Маҳсулот сифати ва кўрсаткичлари. Маҳсулот сифатининг техник даражаси. Сифатни назорат қилиш. Сифатни бошқариш. Сифатни халқаро стандартлари ISO-9000 сифат сертификати.

Корхона банкротлигининг ҳуқуқий асослари

Банкротлик тушунчаси, хусусиятлари. Санация. Кузатиш. Молиявий соғломлаштириш. Тўловга қобилиятсиз корхоналарни ҳуқуқий бошқариш. Корхона иқтисодиётини барқарор ва нобарқарор ривожланиши омиллари. Корхоналарда банкротликка қарши механизмларни ишлаб чиқиш.

Қурилиш инфратузилмаси мажмуида ресурслардан самарали фойдаланишни ташкил этиш

Қурилиш ишлаб чиқариш жараёнини электрлаштиришдаги мавжуд муаммолар. Электр энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш. Энергетика инфратузилмаси. Қурилишда сув ресурсларидан фойдаланишда янги муносабатлар. Қурилишда сувни тежашда янги технологиялардан фойдаланиш. Қурилиш ишлаб чиқариш фаолиятида иқтисодий-экологик муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари.

Қурилиш инфратузилма мажмуида тайёрлов тизими ва уни ривожлантиришнинг аҳамияти

